
"ДХХ РАИСИ КУБОГИ" МУСОБАҚАСИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Бешариқ туманида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича "Давлат ҳавфсизлик хизмати раиси кубоги" мусобақаларининг туман босқичи якунига етди.

Ўтказилган ДХХ раиси кубоги баҳсларида тумандаги барча маҳалла жамоалари иштирок этишди. Финал ўйинида олдинги босқичларда муваффақият қозонган "Бешариқ" ва "Чорбоғтўронғи" маҳаллаларидаги ёшлардан иборат жамоалар тўп сурдилар.

Мурасасиз баҳсда 3-сектор ҳудудидаги "Бешариқ" маҳалласининг ёшлари пенальтилар сериясида ғалаба қозонишди ва туман чемпиони сифатида мусобақанинг вилоят босқичига йўлланма олишди.

Спортнинг "Мини футбол" ва футбол тури бўйича ёлибликни қўлга киритган маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари:

"Мини футбол" тури бўйича:1-ўрин "Юқори зарқайнар" МФЙ (4-сектор).2-ўрин "Чимбой" МФЙ (4-сектор).3-ўрин "куйитовул " МФЙ (1-сектор).

"Футбол" тури бўйича:1-ўрин "Бешариқ" МФЙ (3-сектор).2-ўрин "Чорбоғтўронғи" МФЙ (3-сектор).3-ўрин "Қум " МФЙ (2-сектор).

Қизлар ўртасида "Мини футбол" тури бўйича:1-ўрин "Ариқбоши" МФЙ (1-сектор).2-ўрин "Кўркама" МФЙ (1-сектор).3-ўрин "Юқори товул " МФЙ (1-сектор).

Мусобақа якунида туман ҳокими ўринбосари, сектор раҳбарлари ҳамда ДХХ бўлими бошлиғи, Фавкулотда вазиятлар бўлими бошлиғи ва ўринбосари ёлиб ва совриндорларга медаль, диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини, топширдилар.

2023-06-08 10:12:47